

“LexUz”

Миллий база имкониятлари

АҲОЛИНИНГ ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини оширишда ҳуқуқий ахборотлардан эркин фойдаланишни ташкил этиш фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири саналади.

АНА ШУ мақсадда, Адлия вазирлиги томонидан Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамкорлигида “Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг янги имкониятлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг айрим масалалари” мавзuida анжуман ташкил этилди.

Тадбирда суд-ҳуқуқ соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш мавзусига оид бир қатор масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари М.Икрамов, “LexUz” тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида ба- тафсил сўз юритди.

Кайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ва сақлашни ташкил қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ундан белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлаш Адлия вазирлиги фаолиятининг асосий йўналишларидан бири саналади.

Уттан йиллар мобайнида мазкур ахборот тизимини тақомиллаштириш ва аҳолига қулай тарзда ишлашни ташкил этишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилди. Анжуман доирасида қонун ҳужжатлари маълумотлари Миллий базаси — “LexUz” тизимининг янги, ишлашга қулай қўрилишининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Тақдирот жараёнида “LexUz” тизимининг янги дизайни ва имкониятлари ҳамда жорий йилда мазкур тизимда амалга оширилган кенг қўламли янгиланишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Таъкидланганидек, “LexUz” тизимида ўзбек ва рус тилларида 1990 йилдан ҳозирги кунга қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, кодекслари, фармонлар, қарорлар, фармойишлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлари, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳужалик суди қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда техник тусдаги бошқа ҳужжатлар мавжуд.

Янги тизимнинг қулай жиҳатлари, энг аввало, излаш тизимининг тўдан қайта ишланганлиги, унга янги қўрилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳужжатлари, халқаро шартномалар, техник тусдаги ҳужжатлар, суд амалиёти ҳужжатларини излаш шакллари жорий қилинганлигидир.

Ҳужжат тури, қабул қилган ташкилот ва йиллар кесимида тезкор излаш имконияти яратилди ҳамда қўрилган ҳужжатлар рўйхати, ҳужжатлар тўплами киритилди.

Мазкур сайтга бугунги кунда қарийб 28 мингта яқин ҳуқуқий ҳужжатлар joyлаштирилган бўлиб, ҳар кўни унга 6000 дан зиёд фойдаланувчи ташриф буюрмоқда.

Анжуманда Миллий базанинг келгусидаги режалари, таълим даргоҳларида ундан фойдаланиш қоидалари, қўмрожаат қилинадиган ҳужжатлар рўйхати ҳамда маълумотларни тегишли мутахассисларнинг шарҳлари асосида янада бойитиш борасида белгиланган вазифалар юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Экология: илмий-амалий анжуман

Табиат муҳофазасига баришланди



МУСТАҚИЛЛИК йилларида республикада атроф-муҳитни муҳофаз қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини тартибга солидиган қарийб 30 та қонун ва 350 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

УШБУ қонунларда табиатни муҳофаза қилиш, табиий объектлардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг мақсади, вазифаси, объект ва субъектлари, табиий ресурсларнинг ҳуқуқий ҳолати, ушбу соҳада юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, эркинликлари, кафолатлари ва ваколатлари, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби, муддати ва талаблари, экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарлик чора-тадбирлари каби экологик-ҳуқуқий қоида талаблари белгиланган.

Юртимизда атроф-муҳитни соғломлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларга қарамасдан экологик муносабатлар ҳали ҳам муаммолардан ҳоли эмас.

Табиатни муҳофаза этишнинг восита ва усуллари кўп. Шулардан энг муҳими — табиатни ҳуқуқий муҳофаза этишдир, яъни табиатни қонунлар ёрдамида ифлосланишдан, ҳўҳасизларча фойдаланишдан ва захарланишдан ҳимоя қилишдир.

Адлия вазирлиги ва Тошкент давлат юридик университети томонидан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси экологик қонунчилигини ривожлантириш ва тақомиллаштириш масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманда мамлакатимиз экологик қонунчилигини ривожлантириш ва тақомиллаштириш масалалари, экологик қонунчилик тизими, экология соҳасида давлат бошқаруви ва назорати, юридик жавобгарлик, ер, сув, ўсимлик, ҳайвонот дўнэси, атмосфера ҳавоси, ер ости бойликлари, муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишнинг долзарб масалалари, тақомиллаштириш чора-тадбирлари муҳокама этилди. Унда билдирилган фирқлар, таклиф ва тавсиялар, илмий назарий гоялар экологик қонунчилик тизимини янада тақомиллаштиришга хизмат қилади. Шу боис, улар умумлаштирилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатга тақдим этилди.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги ер қазини геологик ўрганиш, санатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда тегишли вазирлик ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

(Ўз мухбиримиз)

Буюк келажагини барпо этаётган халқ

шунга муносиб авлодни вояга етказишга масъул

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Ўтган тузумнинг характерли жиҳатларидан бири гоё нибойидаги гоёсизлик эди, десак хато бўлмайди. Ўйлаш, мушоҳада юриштиш, фаолият йўналишини белгилаш ҳуқуқрон доирадаги санокли кишиларга хос бўлиб, омма буйруқларга бўйсунуши, кўрсатмаларга амал қилиши, тартиб-қоидаларга риоя этиши — бир сўз билан айтганда, уни “зомби”га айланттириш кўзда тутилган эди. Биз мустамлака мамлакатда яшардик ва мустамлакага муносабат бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Зеро, Юртбошимиз “Юксак маънавият — енгилмас кун” асаридида кайд этиб ўтганидек: “...дунёда зўравон ва тажоввузкор кучлар қайси халқ ёки миллатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламасди бўлса, ав-

валамбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлиши миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан” жудо қилишга уринади.”

Мана шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Истиклолнинг дастлабки кунлариданқ ўтмишда нимаики қадриятларимиз бўлса, омма буйруқларга амал қилиши, тартиб-қоидаларга риоя этиши — иқтисодий жонсизлантириб даволаш” сингари, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ана шу мақсадга вобаста. Бу яхлит бир механизм, агар соддароқ қилиб айтганим бўлса, уни тирик бир организм тарзида тасаввур қилишимиз мумкин бўлади. Бунда ҳар бир винт, каттами, кичими — ўз ўрни, аҳамияти ва вазифасига эга. Бурунни сас-сиқ, деб кесиб ташлаб бўлмагани сингари, мураккаб

бу механизмнинг ҳам бирор-бир жабҳасини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Дейлик суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар нечоғлик муҳим бўлса, марказдан бирок, энг чекка қишлоқдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадон ўз имтиёзларидан тўлақонли фойдаланаяптими, йўқми, шу қишлоқда дунёга келган чақалоққа потрана жизмати кўрсатилаяптими, йўқми, деган масалалар ҳам шунчалик муҳим.

Энг муҳими, ислохот — ислохот учун эмас, Юртбошимиз кайд этганидек инсон манфаатига қаратилгандир. Қирб келаётган янги йилни Президентимиз “Соғлом бола йили”, деб номлагани юқоридаги фикримизнинг яна бир тасдиғи бўлса, ажаб эмас. Зеро, давлатимиз раҳбари илгари сурган имон қадар мустаҳкам гоё аслида ҳам шу: буюк келажагини барпо этаётган халқ шунга муносиб авлодни ҳам вояга етказишга масъул. Зотан, фарзандларни соғлом юрт қуратиладир!

Худойр МАМАТОВ,
Самарқанд вилояти
адлия бошқармаси
бошлиғи

Фаолият

Тадбиркорга мададкормиз

Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифамиз

БУГУНГИ КУНДА тадбиркор манфаатини ҳимоя қилиш, уларга кенг йўл очиб бериш ва ривожлантириш устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Шу жумладан, Конституциямизнинг 53-моддаси, 2-бандига мувофиқ, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина, мулкдан маҳрум этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

БУ ЭСА хусусий мулкка нисбатан белгиланган “дахлсизлик” хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш чоралари орасида ўзига хос ўринга эга. Биринчи навбатда, “дахлсизлик”, деганда шахсининг ўзига ёки муайян ҳуқуқларига нисбатан қонунга зид бўлган хатти-харақатлар билан у ёки бу даражада таъсир ўтказишни тақиқловчи қонуний чоралар мажмуи назарда тутилди. Иккинчидан, “дахлсизлик” — ҳуқуқ субъектига тегишли ва унинг ваколатлари остида ҳамда ҳўқуқлик ҳўқуқронлигидаги объектнинг ҳар қандай ҳўқуқбузарликлардан ҳоли бўлишини қонун билан таъминланганлигини билдиради.

Конституциямизнинг 53-моддасида белгиланган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳам мулкдорга тегишли бўлган мол-мулкка нисбатан ҳўқуқларини қар қандай бузилиши ва бу билан тадбиркорлик манфаатларига ҳар қандай пўтур етказилишини тақиқланганини ҳамда хусусий мулк ҳўқуқи ва у қимга тегишли бўлишидан қатъи назар фақатгина қонун ҳўқуқларидида назарда тутилган ҳоллардагина бекор қилиниши мумкинлиги ҳам хусусий мулкнинг дахлсизлигини ифодалайди. Шу боис, Президентимиз томонидан илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳўқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунга қўра, 2012 йил 24 августда “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳўқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур Қонуннинг 4-моддаси талабларига қўра, “Мулкдор ўзига қарашли



мол-мулкка ўз хоҳишига қўра ҳамда ўз манфаатларини қўзлаб эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасаруф этади. Мулкдор ўз мол-мулкка нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли. У ўз мол-мулкдан ҳўқуқлик фаолиятини ва қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши, уни бошқа шахсларга эгаллик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун текинга ёхуд ҳақ эвазига бериши мумкин. Мол-мулкдан фойдаланиш фуқароларнинг, юридик шахслар ва давлатнинг ҳўқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги керак”, деб белгиланган.

Қонуннинг 24-моддасида “Давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида вўқудга келган хусусий мулк дахлсиздир. Хусусийлаштириш натижалари қайта қўриб чиқилмайди ва бекор қилинмайди.

Ушбу Қонун қўра қирганидан кейин хусусийлаштирилган мол-мулк бўйича хусусийлаштириш натижаларини қайта қўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан, назорат қилувчи ва ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, суд томонидан ташаббус билан чиқишга йўл қўйилмайди”, деб қўрсатилган.

Бирок айрим мурожаатларни қўриб чиқиш жараёнида ғўвоҳи бўлимоқдимики, мулкдорнинг ўз мулкидан фойдаланишида айрим тўсиқларга дўр келаётганлиги ҳўлатлари ҳам учрамоқда. Жумладан, 2013 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида Қашқадарё вилояти адлия бошқармасига келиб тушган ариза ва шикоятларнинг 54 фоизи қаноатлантирилганлиги бунни тасдиқлайди. Фуқаролар, тадбиркорлар, шу жумладан, ҳорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг бузилган ҳўқуқларини тиклаш масаласини ҳал этиш мақсадида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларида жорий этилган “Ишонч телефони” (008 рақам) мунотазам ишлаб турибди. Амалга оширилган тарғибот ишлари натижасида, “Ишонч телефони”га жами 167 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 164 таси тегишли тартибда қўриб чиқилди. 128 таси, яъни 78 фоизи қаноатлантирилиб, 36 тасига ҳўқуқий тушунириш берилди. Жумладан, Чирокчи туманида яшовчи фуқаро А.Эгамбердиев оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ўзининг аёли турган уйида оилавий корхона очмоқчи эканлиги, лекин ҳўқуқларини расмийлаштириш жараёнида А.Эгамбердиевнинг ўзи яшаб турган уйига эгаллик ҳўқуқини берувчи қарор Чирокчи тумани ҳокимлиги томонидан чиқарилмасдан келинаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Натижада, Чирокчи тумани ҳокими номига тақдимнома киритилиб, оилавий корхона ташкил этаётган А.Эгамбердиевга уйга эгаллик ҳўқуқини бериш ҳақида туман ҳокимининг қарори қабул қилинишига эришилди.

Келгусида бўндай ноқонуний ҳўлатларнинг олдини олиш мақсадида бу борада олиб борилаётган ишларни жонланттиришимиз ва амалдаги хусусий мулкчиликка оид қонун ҳўқуқларининг тўлиқ ижро этилишини таъминлашимиз энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолади.

Шўҳрат КўЧҚОРОВ,
Қашқадарё вилояти адлия
бошқармаси бошлиғи

этилаётган сўхбатлар ёшларнинг ҳўқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг ҳаётга, оилага бўлган масъулиятини юксалтиришга хизмат қилаётди.

Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, бугунги кунда ҳам айрим оилалар арзимаган сабаб, баҳоналар билан оила аталмиш муқаддас қўрғонни бузмоқда. Натижада, айбис “айбдорлар — фарзандлар азият чекаётгани кечириб бўлмас ҳолдир. Жорий йилнинг шу давригача суд қарорлари билан 52 та оиланинг никоҳи бекор қилинганлиги фикримиз далилидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, 2013 йилнинг 30 апрелидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўқуқларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига асосан эндиликда ота-она ёки уларнинг ўрнини босадиган шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган қиз узатилиб, ўғил уйлантирилса, белгиланган тартибда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланди. Бу эса келгусида узатилиши эрта турмушга узатилиши билан боғлиқ муаммоларга барҳам беради, деган умиддамиз.

Дилфуза ЖУМАЕВА,
Қогон шаҳар ФХД
бўлими инспектори

Семинар

Идораий қонун

Ижодкорлиги истиқболлари

соҳа ходимлари малакасига боғлиқ

“МАҲАЛЛИЙ давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги: муаммо ва ечимлар” мавзуси Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган семинар кун тартибидан ўрин олди.

МАЎЛҲУМКИ, ҳуқуқий демократик давлатда аксарият муносабатлар норматив-ҳўқуқий ҳўқуқлар қабул қилиш билан тартибга солинади. Бу эса норматив-ҳўқуқий ҳўқуқларнинг қонунда белгиланган тартибларга тўла риоя қилган ҳолда қабул қилишни талаб этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳўқуқий хўсўсиятдаги қарорларини сифатли ҳўқуқий экспертизадан ўтказиш адлия органларининг асосий вазифаларидан биридир.

Адлия бошқармаси томонидан вилоятдаги туман (шаҳар) маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ўтказилган ўрганишларда айрим норматив-ҳўқуқий хўсўсиятдаги қарорлар ҳўқуқий экспертизадан ўтказилмасдан қабул қилинганлиги ҳўлатлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида амалиётда юзга келадиган муаммолар аниқланмоқда.

Мазкур семинарда юқорида таъкидланган қонунбузилиш ҳўлатларига тақоран йўл қўймаслик чоралари ҳамда юзга келаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан бир қатор таклифлар билдирилди.

Музокараларга бой руҳда ўтган тадбир якунида билдирилган таклифлар умумлаштирилиб, келгусида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Адлия ёрдам берди

Шартнома шарти бажарилса

фермерлар бой бўлади

СЎНГИ йилларда қишлоқ ҳўқуқлигига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада юртимизда тегишли қонун ҳўқуқларни қабул қилиниб, қишлоқ ҳўқуқлигидида иқтисодий ислохотларни янада чўқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини тақомиллаштириш юзасидан амалий ишлар олиб боришмоқда.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2003 йил 4 сентябрдаги қарорига асосан ишлаб чиқилган, “Қишлоқ ҳўқуқлиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги низоом қишлоқ ҳўқуқлиги маҳсулотларини етиштирувчилар, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш ва шартнома шартларини бажаришда пайдо бўладиган муносабатларни тартибга солади, шунингдек, туман қишлоқ ва сув ҳўқуқлиги бўлиmlларида рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартибини белгилайди.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳўқуқлик юритувчи субъектларга шартномаларни, энг аввало, қишлоқ ҳўқуқлиги ишлаб чиқариши соҳасидаги шартномаларни тузишда ва бажаришда ҳўқуқий ёрдам кўрсатиш билан бирга шартномавий муносабатларда фермер ҳўқуқликлрининг қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниб, уларнинг шартномавий муносабатларига оид мурожаатлари тегишлилигича ҳал қилинмоқда.

Жумладан, “Баркамол ўлка” фермер ҳўқуқлиги раҳбари Т.Эшонбоев вилоят адлия бошқармаси “Ишонч телефони”га “Қўчлик нефть базаси” УК томонидан 2013 йилда икки томонлама тузилган шартномада мувофиқ нефть маҳсулотлари етказиб берилмаётганидан норози бўлиб мурожаат қилган.

Мурожаатни ўрганиш натижаларига қўра, вилоят адлия бошқармаси томонидан “Баркамол ўлка” фермер ҳўқуқлиги ҳўқуқлари ҳимоя қилиниб, “Қўчлик нефть базаси” УК директори номига кўрсатма тақдим этилди. Унга қўра, фермер ҳўқуқлиги шартномада кўрсатилган нефть маҳсулотлари билан таъминланди ва келгусида бўндай ҳўлатлар қайтарилмаслиги юзасидан чоралар қўрилдди.

Суннатилло АБДУРАСУЛОВ,
Тошкент вилояти адлия
бошқармаси масъул ходими

Нафақа пуллари

босқичма-босқич тўланадиган бўлди

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ адлия бошқармасининг инсон ҳўқуқларини ҳимоя қилиш бўлими фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

МАСАЛАН, Зафаробод туманидаги С.Синдаров қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Д.Худойбердиевнинг ишламаётган оналарга болани икки ёшгача парварши қилиш бўйича ҚФЙ томонидан тайинланган нафақа тўлиқ тўланмаётганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганилди ва Д.Худойбердиевга жами 1399190 сўм, бундан ташқари, 18 нафар фуқарога икки ёшгача парварши қилиш учун 13118730 сўм миқдоридидаги нафақа пули тўлаб берилганлиги аниқланди.

Нафақа пуллари тўланишини қонуний ҳал этиш тўғрисида Жиззах шаҳар ҳокими номига тақдимнома киритилди. Тақдимнома натижасига қўра, Зарбдор тумани ҳокимлигининг 2013 йил 4 ноябрдаги йиғилиш қарори билан туман молия бўлимига ва С.Синдаров ҚФЙ раисига фуқаро Д.Худойбердиевга ва 18 нафар фуқарога икки ёшгача парварши қилиш бўйича нафақа пуллари босқичма-босқич тўлаб берилишини таъминлаш вазифаси юклатилди. ҚФЙ раисига эса интизомий жазо берилди.

Аъзам БОЙБЕКОВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси
масъул ходими

Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш Бош бошқармаси

Юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш

юриспруденция ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини

ривожлантиришнинг муҳим омили

БАРЧАМИЗГА МАЪЛУМКИ, юристар ҳар доим жамиятнинг илгор ва феоли ижтимоий қатламларидан бири бўлиб келган. Уларнинг юқори малакали эканлиги эса ҳар бир жамиятнинг ривожланишини таъминловчи омиллардан ҳисобланган.

УШБУ ҳаётий заруратдан келиб чиққан ҳолда, демократлаштириш жараёнларининг юксак талаблари ва замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимида кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2013 йил 28 июндаги **“Юридик кадрлар тайёрлаш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарорига асосан Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университети этиб қайта ташкил этилди ҳамда юриспруденция мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий давлат олий таълим ва илмий-методик муассасаси этиб белгиланди.

Қарорга мувофиқ қўйидагилар Тошкент давлат юридик университети асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилан берилди:

— давлат ҳуқуқи ва бошқаруви, жиноят ҳуқуқи ва процесси, фуқаролик ҳуқуқи ва процесси, тадбиркорлик ҳуқуқи (бизнес ҳуқуқи), халқаро, халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи ва юридик таълимнинг бошқа устувор йўналишлари бўйича талабаларнинг фундаментал базавий, шунингдек, амалий касбий тайёрларлигини таъминлайдиган дастур ва ўқув режалари асосида бакалаврлар, магистрлар тайёрлаш;

— ўқув жараёнини назарий тайёрларлигини ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини, талабаларда тахлилий фикрлаш, янги билимларни мустакил равишда эгаллаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришнинг таъминлайдиган ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, педагогик, акборот-коммуникация, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш; — давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизimini, модернизация қилиш, бозор ислохотларини чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг долзарб ҳуқуқий муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар ўтказиш, ушбу соҳадаги халқаро тажрибани ўрганиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этишни таъминлаш;

— мамлакатдаги ўрта махсус, касб-хуна, шунингдек, олий юридик таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлар бўйича дарс бераётган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, улар учун замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган ўқув адабиётлар, ўқув-методик материаллар яратиш ва ҳоказолар.

Бизга маълумки, юриспруденция соҳасида назария ва амалиётнинг

Хушнуд МАДРИМОВ,
Адлия вазирлигининг
Қонунчиликка риоя этилиши
устидан назорат қилиш Бош
бошқармаси масъул ходими

Вояга етмаганларнинг таълим олиши

давлат назоратида

МАМЛАКАТИМИЗДА ёшлар, хусусан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни торбоялашни такомиллаштириш, соғлом ва барқамол аълодни шакллантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда.



ҲАММАМИЗГА аёнки, фарзандларимизни соғлом ва барқамол қилиб вояга етказиш ҳеч шубҳасиз, давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Президентимиз томонидан 2014 йилнинг “Соғлом бола йили”, деб эълон қилинганлиги ҳамда келгусида бу борада Давлат дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқиши бунинг ёрқин далилидир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб-ўлғайиши қўлгина талаб ва омиларга боғлиқ эканлигини таъкидлаб, таълим-тарбиянинг ўрни ва таъсирини ўрта муҳим ва ҳал қилувчи меъсон сифатида янада қўйиштириш лозимлигини кўрсатиб ўтди. Шу билан бирга, Давлат дастурида мактабга таълим муассасалари тизimini кенгайтириш, уларни замонавий жиҳозлаш, юқори малакали педагог ва мураббийлар билан таъминлаш, болаларни мактабга таъйёрлашнинг сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Мустакиллик йилларида мамлакатимизда вояга етмаганларни тарбиялаш, таълим бериш, шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ҳаётга жорий этилиши таъминланди. Бироқ олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат

Эълонлар

Тошкент вилояти Адлия бошқармасининг 2013 йил 11 декабрдаги 65-а-ум-сонли буйруғига асосан “Odilik San” адвокатлик фирмаси адвокати Мухомедов Умиджон Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 25 январда берилган TN 001359-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши у ойдан ошмайдиган мuddатда адвокатлик тузилмаси ташкил этилгани қадар ёки мажбур адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган даврга тахтатилади.

Жиззах вилояти Адлия бошқармасининг 2013 йил 3 декабрдаги 123-а-ум-сонли буйруғига асосан “Жиззах ширкати” “Юристик” адвокатлик фирмаси адвокати Холбоёв Ибрагим Сиддиқовичга вилоят Адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 11 майда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи GZ №000037-сонли лицензиянинг амал қилиши 1 ой мuddатда тахтатилади.

Жиззах вилояти Адлия бошқармасининг 2013 йил 3 декабрдаги 124-а-ум-сонли буйруғига асосан “Жиззах ширкати” “Юристик” адвокатлик фирмаси адвокати Холбоёв Ибрагим Сиддиқовичга вилоят Адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 11 майда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи GZ №000038-сонли лицензиянинг амал қилиши 2013 йил 8 декабрдан тиланди.

Самарқанд вилояти Адлия бошқармасининг 2013 йил 4 декабрдаги 242-а-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд ширкати “АМАН” адвокатлик фирмаси адвокати Умаров Раҳимжон билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги сабабли “Адвокатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига асосан (адвокат томонидан у ойдан ошмайдиган мuddатда амалга оширилган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилганига қадар ёки мажбур адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган даврга) унинг адвокатлик мақоми тахтатилади.

Қашқадар вилояти Адлия бошқармасининг 2013 йил 4 декабрдаги 171-а-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд ширкати “АМАН” адвокатлик фирмаси адвокати Жўраев Сайфулла Останиевич фирма ширкатидаги чекхизмат сабабли унга вилоят Адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 26 февралда берилган KS 000128 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва унга тегишли бўлган 129-сонли адвокатлик хизмат гувоҳномаси ҳамда адвокатлик мақоми у томонидан у ойдан ошмайдиган мuddатда амалга оширилган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилганига қадар ёки мажбур адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган даврга тахтатилади.

Қашқадар вилояти Адлия бошқармасининг 2013 йил 11 декабрдаги 176-а-ум-сонли буйруғига асосан “Чирокчи туманидаги” “Чирокчи ҳуқуқ” адвокатлик фирмаси адвокати Эшқуллов Абдулмалик Мейлиевичга вилоят Адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 25 июлда берилган KS 000108 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2013 йил 27 ноябрдаги 149-а-ум-сонли буйруғига асосан “Тўртқўла туманидаги” “Sadr-Qalaoat R.G.K.” адвокатлик фирмаси адвокати Паллов Кайрат Ражабовичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши вақтинча тахтатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 28 июндаги ПФ-2331-сонли “Молия ҳуқуқий фаолиятини ямғирта ошатиш ва қонунчиликда белгиланган мuddатларда ўзларининг устив жамғирларини шакллантирмаган қорхоналарни тугатиш тартибининг соддаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган Нисвога асосан муассасалари бедарак бўлган қорхоналар бўйича рўйхатдан ўтказувчи органлар матбуотда улар томонидан қорхоналарни тугатиш жараёнининг бошланиши тўғрисида эълон берилиши қўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПФ-2331-сонли “Молия ҳуқуқий фаолиятини ямғирта ошатиш ва қонунчиликда белгиланган мuddатларда ўзларининг устив жамғирларини шакллантирмаган қорхоналарни тугатиш тартибининг соддаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган Нисвога асосан муассасалари бедарак бўлган қорхоналар бўйича рўйхатдан ўтказувчи органлар матбуотда улар томонидан қорхоналарни тугатиш жараёнининг бошланиши тўғрисида эълон берилиши қўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПФ-2331-сонли “Молия ҳуқуқий фаолиятини ямғирта ошатиш ва қонунчиликда белгиланган мuddатларда ўзларининг устив жамғирларини шакллантирмаган қорхоналарни тугатиш тартибининг соддаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган Нисвога асосан муассасалари бедарак бўлган қорхоналар бўйича рўйхатдан ўтказувчи органлар матбуотда улар томонидан қорхоналарни тугатиш жараёнининг бошланиши тўғрисида эълон берилиши қўрсатиб ўтилган.

Ҳуқуқий маслаҳатхона



Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди фаолияти ҳусусида

— **ҲЎЖАЛИК** ишлари бўйича қайси мазмундаги суд ҳужжатлари дарҳол ижро этилади?
Бобур ҒАНИЕВ, Чилонзор тумани

— **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** Ҳўжалик процессуал кодексининг 146-моддасига кўра давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳўжатларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари, шунингдек, келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримлар дарҳол ижро этилади.

Саволга Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг ўринбосари, Анвар ШУКУРЛАЕВ жавоб берди.

— **Ҳал қилув қарорини тушунтириш, ёзувдаги услубий ва имловий хатолар, ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш тартиби қонунчиликда қандай йўлга қўйилган?**
Шахноза КАРИМОВА, Юнусобод тумани

— Ҳал қилув қарори ноаниқ бўлган тақдирда, низои ҳал қилган ҳўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг ёки суд ижорачисининг аризасига кўра, ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тушунтириб беришга, шунингдек, ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси билан йўл қўйилган ёзувдаги услубий ва имловий хатолар, ҳисоб-китобдаги янглишишларни ҳал қилув қарорининг моҳиятига тегмаган ҳолда тузатишга ҳақлидир.

Суд ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш ва ёзувдаги хатоларни ёки ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Саволга Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг судьяси Шўхрат ПОЛВОНОВ жавоб берди.

— **Қайси ҳолларда судья қўшимча ҳал қилув қарори чиқариши мумкин?**

Бекзод АБДУЛЛАЕВ, Яққасарой тумани

— Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик процессуал кодексининг 149-моддасида қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш тартиби баён этилган.

Унга кўра, ишда иштирок этувчи шахслар далиллар тақдим этган бирон бир талаб бўйича ҳал қилув қарори

— **МЕН айна пайтда коллеж ўқувчисиман. Келгусида ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилганим бонис ҳуқуқий мавзуга оид кўрсатувларни кизикчи билан кузатиб бораман. Ҳуқунда ана шундай кўрсатувлардан бирида “Ички назорат қондалари”, деган жумлаи эшитиб қолдим. Аммо у нималигини яхши тушунадим. Шу ҳусусда батафсил тушунча берсангиз?**

Азиза РАВШАНОВА, Кува тумани

— **ДАРҲАҚИҚАТ**, 2009 йил 13 октябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛК Департаменти томонидан **“Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларини тасдиқлаш тўғрисида”**ги қўйма қарор имзоланган.

Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларининг ички назорат қилиш мақсадида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича моля-мол-мулк билан боғлиқ операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш, уларни қасддан ёки қасддан бўлмаган жиноий фаолиятга жалб қилинишига йўл қўймаслик қабилардан иборат. Алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни ўша операция ба-жарилиши зарур бўлган санадан эътиборан уш иш қўнига тўхтатиб туриш ҳамда бу ҳақда ўша қўнинг ўзидек Департаменти хабардор этиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш, пул маблағлари ёки бошқа моля-мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, идентификациялаш маълумотларини ва ми-жозларни лозим даражада текширишга доир материаллар қонун ҳўжатларида белгиланган мuddатлар мобайнида сақланишини таъминлаш, сўровномалар бўйича ми-жозлар базасидан террорчилик фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган шахслар-ни аниқлаш ички назорат вазифалари си-расига қиради.

Ми-жоз томонидан зарурат туфайли сўралаётган, шу жумладан, топширқ бе-

— **БИТИМЛАР** тузишда ёшнинг аҳамияти борми? Ёки вояга етмаган шахслар ҳам битим тузиш ҳуқуқига эгами?

— **БИТИМЛАРНИНГ** ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслигини ҳўсбга олишда ёшнинг аҳа-мияти бор, албатта. Фуқаролик кодексининг 29-моддасига асосан, опти ёшдан ўн тўрт ёш-ча бўлган кичик ёшдаги болалар мустакил равишда майда майши битимлар, теким ман-фат қўришга қаратилган, нотариал тасдиқ-лашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни та-лаб қилмайдиган битимлар ҳамда қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасар-руф этиш учун берилган маблағлар бора-си-да битимлар тузишга ҳақи ҳисобланади.

қабул қилинмаган бўлса, суд-ҳуқуқ ма-саласини ҳал қилиб, ундириладиган сумма миқдорини, берилиши лозим бўлган мол-мулкни ёки жавобгар бажа-риши шарт бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса, суд ҳаражатлари тўғрисидаги масала ҳал қилинмаган бўлса қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилинади.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи ҳал қилув қарори қонун-ий қучга киргунча қўйилиши мумкин.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи суд мажлисида ҳал этилиши керак.

Суд мажлисида ишда иштирок этув-чи шахслар мажлис вақти ва ҳойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинган буюртма хат орқали хабар-дор қилинади. Тегишли равишда ха-бардор қилинган ишда иштирок этув-чи шахсларнинг келмаганлиги қўшим-ча ҳал қилув қарорини қабул қилиш ма-салани қўришга тўсқинлик қилмайди.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш рад этилган тақдирда ажрим чи-қарилади.

Саволга Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг судьяси Аскаралли УМАРОВ жавоб берди.

— **Ҳўжалик судида ишда иштирок этувчи шахслар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?**
Бобур САЛИМОВ, Сирғали тумани

— Ҳўжалик судида ишда иштирок этувчи шахслар маълум бир процессуал ҳуқуқларга эга бўлиб, тегишли ҳаракат-ларни амалга оширишга ҳақлидирлар.

Яъни, иш материаллари билан та-нишиш, улардан қўриқлар олиш, нус-ча қўчириш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далил-ларни текширишда иштирок этиш, са-воллар бериш, илтимосномалар кири-тиш, арз қилиш, ҳўжалик судига оғза-чи ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни қўриш давомида тугилдиган барча масалалар бўйича ўз важлари-ни, ҳулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш, суд ҳўжатлари устидан шикоят қилиш ҳамда ушбу бошқа про-цессуал ҳуқуқлардан фойдаланади.

Саволга Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг судьяси Назолат АББОСОВА жавоб берди.

Реклама ўрнида

Ишончли ҳамкор муваффақиятлар гарови

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ раҳнамолигида республикаимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида, тадбиркор-лик ва кичик бизнес субъектлари ривож учун яратил-ган чексиз имкониятлар сифати маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг самардорлигини оширишга замин яратмоқда. Иқтисодиётимизнинг юқори сўратларда ўсаётган, бозорларимиз турли маҳсу-лотлар ва хизматлар билан тўлиб бораётгани ҳамда аҳоли турмуш фаровонли-гининг ошиши бунинг аққол далилидир.

ҲОЗИРГИ кунда ички ва ташқи бо-зорларга товарлар ва хизматлар етқа-зиб беришда тадбиркорлик субъектла-ри ўртасида қучли рақобатни кузатиш мумкин. Айниқса, жадал сўратларда ривожланиб бораётган санаот маҳсуло-тлари ишлаб чиқариш соҳаси мамлака-тимиз иқтисодиётининг негизига айлан-иб бормоқда.

Биз ҳам сўни қайта ишлаб, юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш мақса-дида 2009 йили “Yangiyo’l Pishloq Sanoat” хусусий корхонасини ташкил қилдик. Ҳисоб рақамимизни “Asaka” банк Тошкент вилояти филиалида оч-дик. Корхонамиз фаолиятининг барқа-дор йўлга қўйилишига биринчидан, биз тадбиркорларга республикаимизда қулай шартонлар яратилгани бўлса, иккинчи-дан, биз ишлаб чиқараётган маҳсулот-ларга бўлган талабнинг кўндан-кўнга ошиб бориши сабаб бўлмоқда.

Корхонамиз фаолиятини янада кен-гайтириш ва ривожлантириш мақсадида “Asaka” банк Тошкент вилояти филиа-лига тегишли ҳўжатларни тақдим қил-дик. Банк муассасалари томонидан биз тақдим қилган бизнес режамиз истик-болли, деб топилиб, қисқа мuddатда кор-хонамизга кредит ажратили бўйича ик-жой қарор чиқарилди. Эътиборлини шун-даки, ўз ишининг устаси бўлган банк

ходимлари лойиҳамизни амалга оши-ришда малакали тақлиф ва маслаҳатла-рини аямди. Натижада, лойиҳамиз амалга ошиши янада тезлашди.

Банкдан олинган кредит ҳисобига сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини икки бараварга оширдик, маҳсулот тур-ларини кўпайтиришга эришдик. Шу бил-лан бирга, янги лойиҳамиз натижасида, 6 та янги иш ўрни яратилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 220 миллион сўмга яқин миқдорда юқори сифатли пишлоқ ва бошқа сут маҳсу-лотлари ишлаб чиқардик ва Тошкент шаҳри ҳамда вилоят аҳолисига етказ-дик. Келгусида йилга 400 миллион сўмдан зиёд миқдорда аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳолига ет-казишни мақсад қилганимиз.

Бизнинг бундай муваффақиятга эри-шишимизда “Asaka” банкнинг қўмаги юқори эҳтилофини таъкидлашимиз ло-зим. Биз “Asaka” банкда ҳисоб рақами-мизни очиб янглишмаганлигимизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик ва ҳам хизматларидан миннатдоримиз. Эндилик-да “Asaka” банк қўмагида бунданда, ис-тиқболли лойиҳаларни амалга ошириш-га бел боғланганимиз.

Матрасул ҒОЙИБОВ,
“Yangiyo’l Pishloq Sanoat”
хусусий корхонаси раҳбари



Миллий қадриятлар муштараклиги

Конституциямиз ва халқаро ҳужжатларда намоён

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида: "Хар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русум ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яқин тартибда, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади", деб белгиланган.

Бугунги кунда республикада 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Конституция ҳамда "Виждон эркинлиги ва диний таъкилотлар тўғрисидаги"ги Қонунга мувофиқ, барча фуқаролар эътиқод масаласида бир хил ҳуқуққа эга. Конституциянинг 31-моддасига кўра: "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатлана-

ди. Хар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди".

Асосий Қонунимиз ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳиятини кенг аҳоли ўртасида тарғиб қилиш юзасидан барча вилоятлар қатори Наманганда ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан "Конституциямизнинг яратилиш тарихи", "Ўзбекистон — конституциявий давлат қуриш йўлида", "Конституция ва фуқаролик жамияти", "Конституция ва иқтисодиёт: "Ўзбек модели", "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — хорижий экспертлар нигоҳида", "Конституция ва Концепция — узок муддатга мўлжалланган миллий стратегиямиз", "Бахтимиз қомуси ва ободлик дастури", "Конституциямизнинг тарихий аҳамияти", "Ўзбекистон

Конституцияси ва халқаро ҳужжатлар муштараклиги" мавзуларида турли тарғибот ишлари узлуқсиз амалга ошириб келинмоқда.

Бундан ташқари, бошқарма ва тизим ходимлари иштирокида жорий йил 26 ноябрь куни вилоят халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, "Қамолот" ЁИХ вилоят Кенгаши ҳамда вилоят телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда Наманган шаҳридаги 26-сон Мехрибонлик уйида, 30 ноябрь куни Поп туманидаги "Муруват уйи"да ўтказилган учрашувларда болаларга Конституция ва унинг моҳияти тўғрисида мутахассислар томонидан тушунчалар берилиб, қимматбаҳо эсдалик совғалари тақдим этилди.

Шухратжон ТЎХТАБОВ,
Наманган вилояти адлия
бошқармаси
бошлиғи ўринбосари

Хабарингиз борми?

ЁШ АВЛОДНИ комил инсонлар этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришнинг асосий воситаси сифатида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Эътиборлики, бу жараён таълим-тарбия тизими билан мутаносиб равишда олиб борилаётган.

Бу борадаги кенг қўламли савий-ҳаракатлар самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, жисмоний кўрсаткичларида намоён бўлмоқда. Болаларимиз ўртасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар, пневмония, бронхит, сколиоз билан касалланиш ҳолатлари кескин камаймоқда.

Ўртача вази кўрсаткичи 14 ёшча бўлган ўғил болалар

ўртасида 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортган. Болаларнинг бўйи ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қизлар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсган. Ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизнинг вази ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Президентимиз томонидан "Соғлом бола йили", деб эълон қилинган 2014 йилда бу борадаги ишлар қўлами янада кенгайди.

(Ўз муҳбиримиз)

Ибрат

Ҳаётий тажриба

амалий машғулоти сифатида

ўтилмоқда

БУГУНГИ КУНДА турмуш қураётган ёшларимизга никоҳнинг муқаддаслиги, унинг ўз қонун ва қондалари борлиги ҳақида ота-оналарнинг тушунириб беришларини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

ШУ ЎРИНДА бир мулоҳазани айтмоқчиман. Касб-хунар коллежи ва лицейларда таълим олаётган юқори босқичдаги ўқувчиларга ФХД бўлими ходимлари иштирокида оила қуриш, никоҳ ва унинг мазмуни, моҳияти ҳақида ҳафтада бир соат машғулоти ўтказилиши йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

Бир донишманд "никоҳдан ўтиш мажбурий эмас, лекин никоҳдан ўтдингми, унинг қонун ва қондаларига бўйсунинг мажбурсан", деган экан. Никоҳдан ўтган хар бир йигит-қиз жамиятнинг том маънодаги масъул киши, оила деб аталмиш муқаддас қўғоннинг яратувчиси саналади. Улар эртага ота-она, деган ном соҳиби бўлади.



Шундан келиб чиққан ҳолда, бўлимимиз томонидан тумандаги касб-хунар коллежлари ва лицейларнинг юқори босқич ўқувчилари билан қонуний никоҳ ва унинг шартлари, оила муқаддаслиги борасида мунтазам давра суҳбатлари ўтказиб келмоқдамиз. Шунингдек, бўлимимизга умр йўлдоши билан 50 йил ва ундан ортиқ бирга аҳил яшagan нуроний отахон ва онахонларни тақлиф этиб, улар-

нинг ҳаётий тажрибалари ҳақида амалий машғулоти ўтказиб келинади.

Хулоса қилиб айтганда, барча савий-ҳаракатлардан қўзланган асосий мақсад битта: турмуш қураётган ёшларнинг ҳаётини обод, оиласини муштарак, тўғилажак фарзандларимиз соғлом бўлишини таъминлашдир.

Рисолат НАЗАРОВА,
Нуробод тумани ФХД бўлими мудираси

Иллат

“Замонавий қуллик”

унинг қўғонига айланиб қолманг

БМТнинг Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақидаги Конвенциясини тўлдирувчи Протоколда "замонавий қуллик"нинг уч асосий белгиси кўрсатиб ўтилган. Биринчидан, одам зуравонлик билан (унинг ҳужжатларини олиб қўйган ҳолда) ушлаб турилса, иккинчидан, ўз иродасига зид равишда мажбурий меҳнат билан шуғуллангилса ва вазиятини ўз хоҳишига кўра ўзгартира олмаса, учинчидан эса бажарган ишига арзимас ҳақ олса ёки ҳақини умуман олмаса, қуллик ҳолатига тушган ҳисобланади.

Мамлакатимизда бундай жиноятларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун бу бо-



рада олиб борилиши лозим бўлган чора-тадбирлар мажмуини, одам савдосидан жабр кўрган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид ваколатларини ўзида мужассам этди.

Одам савдоси — ноқонуний гайриинсоний хатти-ҳаракатдир. У билан асосан уюшган жиноятчи гуруҳлар вакиллари шуғулланишади. Бу савдога асир тушган одам

ўз инсонийлик мавқеини йўқотиб, сотилувчи ва сотиб олинувчи махсусотта айланади. Одам савдоси бугунги давримизнинг глобал муаммоларидан биридир. Жинсий эксплуатация қилиш, мажбурий меҳнат, болаларни эксплуатация қилиш, тиланчилик, одам органлари ва тўқималарини қўчириш мақсадида одамфурӯшлик билан шуғулланиш ушбу жиноятнинг муҳим шаклларида ҳисоб-

ланади.

Ачинарлиси шундаки, психологларнинг айтишича, одам савдоси қўғонига айланиб қолганнинг атиги 25-30 фоизига олдинги ҳаёт тарзига қайта олар экан ҳолос. "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протокол"га мувофиқ одам савдосига қарши курашиш унга аъзо давлатларнинг мажбуриятига киради. Мазкур халқаро ҳужжатлар шуниси билан аҳамиятлики, улар қатор давлатларда одам савдоси жиноят сифатида миллий қонун ҳужжатларида белгиланишида ҳуқуқий норматив асос бўлиб хизмат қилади. Протоколда одам савдоси жиноят сифатида белгиланибгина қолмай, ушбу жиноятдан жабр кўрганларни халқаро даражада ва миллий қонунлар билан ҳимояга олиш назарда тутилган.

Баҳодир АШУРОВ,
Музработ тумани ФХД бўлими мудираси

Андижон вилояти адлия бошқармаси жамоаси вилоят бошқарма бошлиғи ўринбосари **Қамбарали ХАМДАМОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг масъул ходими Ж. Аминовга турмуш ўртоғи **Феруза ҒАЙБУЛЛАЕВА**нинг вафот этганига сабабли чуқур таъзия изҳор қилади.

Реклама ўрнида

Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" банк (ОАЖ)

Сизларни яқинлашиб келаётган
Янги 2014 йил билан табриклайди ва
қуйидаги миллий валютадаги муддатли
янги омонат турини таклиф этади:

“ЯНГИ ЙИЛ — 2014”

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой бўлиб,
ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати
тугандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча
филиалларида очиш мумкин.



Мурожаат учун "Асака" банк (ОАЖ) филиаллари
телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг
банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди
томонидан кафолатланади.

“Асака” банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- микдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАСССА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Масбури ва ошборт
спонсорлар
0081-роққис билан
руйхотга олинон



www.minjust.uz

Бош
муҳаррир:
Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Ражабова Маяжуда
Абдуллаева
Кўчқор Тоғаев
Турсунов Тўлқин Мирзаев

Очлов Алижон Мухлисович
Султонов Алимкул
Топбеков
Мамадалиев Зайниддин Очлов

Навбатчи:
Ербек
ИСКАНДАРОВА
Саҳифаловчи:
дизайнер:
Тўлқин
РАУПОВ

Нашр кидеяси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер базасида
терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет
усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа иҳодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма 1-8800. Тиражи — 16689.
ЎзА якуни — 21.20

Топширилди — 21.20

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5